

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-6

### БИЛВОСИТА СОЛИҚЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Абдулхаева Шахноза Мухаммадиевна

ДТПИ ўқитувчиси ТДИУ докторанти,

Ахмедов Бариддин Ҳайдорович

ДТПИ ўқитувчиси

Эркинов Бобир Ботирали ўғли

ДТПИ талабаси

**Аннотация.** Билвосита солиқлар бугунги кунда аксарият давлатлар сингари, Ўзбекистон Республикасида ҳам давлат бюджетини шакллантиришдаги энг истиқболли солиқлардан бири ҳисобланади. У солиқ тизимининг ажralmas қисми бўлиб, юқори фискал самарага эгадир. Солиқ тўловчилари солиқларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вактида солиқларни тўлаш солиқ қонунчилигини бузилиш ҳолатларини камайишига замин яратади. Бу борада бир қатор муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу **мақолада уни бартараф этиш жиҳатларга эътибор берилади.**

**Калит сўзлар:** давлат бюджети, ККС, акциз солиғи, божхона божи, солиқ назорати, солиқ тизими, солиқ ислоҳоти, солиқ сиёсати, солиқ тортиси, солиқ маъмурчилиги, солиқ тўловчи, солиқ имтиёзи.

**Аннотация.** Косвенные налоги являются одним из наиболее перспективных налогов при формировании государственного бюджета в Республике Узбекистан, так как сегодня в большинстве стран они являются неотъемлемой частью налоговой системы и обладают высокой фискальной эффективностью. Правильный расчет налогов и своевременная уплата налогов налогоплательщиками позволяют снизить случаи нарушений налогового законодательства. На этот счет существует ряд проблемы, и в данной статье речь пойдет об аспектах их устранения.

**Ключевые слова:** государственный бюджет, НДС, акциз, таможенная пошлина, налоговый контроль, налоговая система, налоговая реформа, налоговая политика, налогообложение, налоговое администрирование, налогоплательщик, налоговые льготы.

**Abstract.** Indirect taxes are one of the most promising taxes in the formation of the state budget in the Republic of Uzbekistan, since today in most countries they are an integral part of the tax system and have high fiscal efficiency. Correct calculation of taxes and timely payment of taxes by taxpayers will reduce cases of violations of tax legislation. There are a number of problems in this regard, and this article will discuss aspects of their elimination.

**Key words:** state budget, VAT, excise tax, customs duty, tax control, tax system, tax reform, tax policy, taxation, tax administration, taxpayer, tax benefits.

### КИРИШ (INTRODUCTION)

Билвосита солиқлар давлатга хазинага тушадиган тушумлари юқори фискал самарага эга. 2024 йилда билвосита солиқлар Давлат бюджети даромадларнинг асосий қисмини ташкил қилиб, умумий даромадлари 41,3 фоизи, жумладан қўшилган қиймат

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-6

солиги бўйича тушумлар 74,0 трлн сўмни, акциз солиги бўйича тушумлар 22,7 трлн сўмни, божхона божлари бўйича тушумлар 14,8 трлн сўм, шунингдек 2024 йилда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари тақчиллиги 3,1 фоиз миқдорида прогноз қилинаётган бўлиб, 2025–2026 йилларда тақчиллик 1,8-2,2 фоизгача пасайиши прогноз қилинган.<sup>1</sup> Республикаизда иқтисодий ўсишни изчил давом эттирилиши, фискал сиёсатнинг юритилиши орқали барқарорликни таъминланиши ҳисобига эришилмоқда. Ҳозирги кунда изчил олиб борилаётган солик сиёсати олдинги хусусиятларни билан ажralиб туриши билан аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам солиқларни ундириш ислоҳотлари билан боғлиқ тадқиқотларга бўлган эҳтиёж янада ортиб бормоқда. Солик сиёсати ва маъмуриятчилигига оид бир қатор ўзгартиришлар амалга оширилди. Кўшилган қиймат солиги бўйича солик тўловчиларнинг тоифаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби, солик ҳисботини тақдим этиш муддатлари сақлаб қолиниши қопланадиган қўшилган қиймат солиги суммасининг н камерал солик текширувани ўтказиш муддатлари 60 кундан 30 кунгача қисқартирилиши шулар жумласидандир. Шунингдек йирик солик тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солик инспекциясида ҳисобда турадиган солик тўловчиларга товарларни импорт қилиш чоғида қўшилган қиймат солиги тўлови ҳисобига бюджетдан қопланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиги суммаларини ўзаро ҳисобга олиш ҳуқуқи берилди.

#### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review)

Солиқлар назариясининг хорижий вакиллари орасида бир қатор тадқиқотчилар мавжуд, улар орасида: Ч. Адамс ,Д. Локк ,У. Пети, А. Смит, Д. Рикардо, Ж. Кейнс, Ж. Б. Сай, Н. Канар, П. Прудон, Ф. Лассалус, К. Пай, А. Шеффле, А. Вагнер, А. Курно, Р. Маэр, К. Виксел, М. Панталеоне, Ф. Контиглиани, Э. Селигман, А. Маршалл, П. Самуелсон, Р. Мусграве, К. Макконнелл, С. Бру ва солиқقا тортиш назариясини ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган ҳозирги замон хорижий иқтисодчи олимларидан Де-Фовилль, Ф. Лассал, Брю, М. Блауг, П. Самуэльсон, К. Макконнел, Г. Менкью ва бошқаларнинг илмий асарларида ёритилган.

Солик назарияси, солиқларни ўрганиш тарихи, методологияси ва амалиётининг айрим масалалари бўйича замонавий россиялик иқтисодчилардан Н.Н. Тюпаков, Ю.Н.Павленко, М.Р. Пинская, Д.А. Артеменко, М.О.Клейменова, Е.Н Голик, Г.П Толстопятенко, А.В. Угрюмов, А.Ф. Хапилин, И.А.Цидилин ва бошқалар билвосита солик ундиришнинг назарий жиҳатларини ўрганишга бағишлиланган .

Мамлакатимиз миллий солик тизими ва солиқقا тортиш амалиётини ривожлантиришга муносаб ҳисса қўшиб келаётган олим ва амалиётчи мутахассисларимиздан А.Ҳ.Тошқулов, С.К.Худойқулов, Т. Маликов, Ш. Гатаулин, И. Завалишина, И. Ниязметов, Х. Собиров, Ш. Тошматов, Б. Тошмуродова, Н. Хайдаров, К. Аҳёевларни илмий ишларини ҳам мисол келтириш мумкин.

#### Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Билвосита солиқларнинг ундиришга оид тадқиқот ишларини амалга оширишда илмий тадқиқот методологиясида кенг қўлланиладиган усуллардан фойдаланилади. Солик ислоҳотларининг ривожланиш тенденцияларини умумийликдан индивидуалликка ва аксинча тартибда дедукцион ёки индукцион усуллардан фойдаланиш самара берса,

<sup>1</sup> Бюджетнома 2024-2026 йил. Тошкент 2023 йил.

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-6

абстракт-мантикий фикрлаш усули эса, жараённи тизимли таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Илмий таҳлил жараённида ана шу илмий тадқиқот усулларидан, хусусан, кузатиш, умумлаштириш, гурӯхлаш, тақослаш, таҳлил қилишда эса синтез ва таҳлил усулларини кенг фойдаланилади.

### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Давлат бюджетини шакллантиришида солиқ тушумларининг юқори улуси билвосита солиқлар ҳисобидан тўлдирилади. Тўғри солиққа тортилмаган, қайд этилмаган даромадлар билвосита солиқларга тортилади. Шундай қилиб, билвосита солиқлар шу кунгача бюджет даромадларининг энг юқори қисмини ташкил этадиган солиқ тuri ҳисоблади.

Солиқ тизимини ислоҳ қилиш учун бир қатор сиёsatчилар бир қатор мақсадлар белгилашни эътироф қилдилар. Буларнинг ичида энг муҳимлари: нисбатан соддалик (simplicity), барқарорлик (stability), адолатлилик (fairness fairness), даромадларни мувозанатли тақсимлаш (adequate revenue) ва иқтисодий самарадорлик (economic efficiency), фискал самарадорлик (fiscal efficiency) каби тамоилилар асосидаги пировард мақсадлар илгари сурилишини эътироф этадилар (*C. Alan Garner*)<sup>2</sup>. Соддалик солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш мақсадида солиқларни ҳисоблаш ва бюджетта ўтказишдаги харажатларни камайтириш орқали давлат молиявий фаолиятида иқтисодий самарадорлигини ошириш учун шарт-шароитлар яратади. Шунингдек, солиқ тизимининг соддалилиги солиқ тўловчиларнинг солиқлар тўғрисидаги билимларини, солиқ маданиятини оширишга имкониятларига эга бўлади. Бунинг натижасида солиқ тўловчилар солиқларни тўғри ҳисоблаш ва ўз вақтида солиқларни тўлаш солиқ қонунчилигини бузилиш ҳолатларини камайишига замин яратади. Билвосита солиқларнинг ундилишининг асосий мақсади ва функцияси фискал функция ҳисобланади. Фискал самарадорлик солиқ юкининг бюджетга билвосита солиқлар тушумларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Республикамизда иқтисодий ўсишни изчил давом эттирилиши, фискал сиёsatнинг юритилиши орқали барқарорликни таъминланиши ҳисобига эришилмоқда. 2024-2026 йилларга мўлжалланган асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози “Ўзбекистон – 2030” 2030 йилга қадар иқтисодиёт ҳажмини 2 баробар ошириш ва “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига кириш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмини 160 миллиард АҚШ долларга ва аҳоли жон бошига даромадларни 4 минг долларга етказиш, келгуси 7 йилда асосий капиталга 250 млрд АҚШ доллардан ортиқ инвестицияларни ўзлаштириш ва унда 110 млрд АҚШ доллардан ортиқ хорижий инвестицияларни жалб қилиш, 2030 йилга бориб йиллик экспорт ҳажмини эса 45 млрд АҚШ долларга етказиш, Давлат қарзини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 50 фоиздан оширмаслик вазифасини таъминлаш мақсад қилинган. Прогнозларга кўра 2023-2024 йилларда Ўзбекистон иқтисодиёти 5,6-5,8 фоиз доирасида, 2025-2026 йилларда мос равишда 6,2 ва 6,4 фоизгача ўсиши кўзга тутилган.<sup>3</sup>

Кўйидаги 1-жадвалда иқтисодий ўсишдан келиб чиқиб 2025-2026 йилларда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва мўлжаллари келтирилган.

<sup>2</sup> C. Alan Garner Consumption Taxes: Macroeconomic Effects and Policy Issues

<sup>3</sup> [https://api.mf.uz/media/document\\_files/budgetnoma\\_2024-2026\\_u7oVHcU.pdf](https://api.mf.uz/media/document_files/budgetnoma_2024-2026_u7oVHcU.pdf)

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-6

Солиқ турлари бўйича Давлат бюджети даромадлари прогнози ва мўлжаллари, трлн сўм<sup>4</sup>

Солиқ турлари	2023 йил	2024 йил прогноз	2025 йил мўлжал	2026 йил мўлжал
Бевосита солиқлар	73,3	85,6	102,8	120,4
Билвосита солиқлар	85,9	111,6	144,0	163,4
Ресурс солиқлари	28,3	31,8	35,7	39,9
Бошқа даромадлар	41,6	41,6	48,5	55,3

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, давлат бюджети даромадлари 2023 йил 85,9 трлн сўмни, 2024 йил прогнози 111,6 трлн сўмни ташкил қилиб, 2025 йилда 144,0 трлн сўмдан 2026 йилда 163,4 трлн сўмга ошиши мўлжалланган бўлиб энг юқори қисми билвосита солиқларга тўғри келади. Фикримизча бундай ўсишларнинг прогноз қилинишига кўшилган қиймат солиги занжирининг яхлитлигини ва узулуксизлигини таъминлаш мақсадида айрим имтиёзларнинг, масалан, дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария хизматлари буюмлари ва хизматлари учун имтиёзларини бекор қилиниши, шунингдек айрим озиқ-овқат хамда ноозиқ-овқат маҳсулотларининг, янги қурилиш техникалари хамда юқ ташиш транспорт воситалари, туризм хизматларидағи божхона тўловлари имтиёзларнинг муддати тугаётганлиги, шунингдек солиқ сиёсати ва маъмуриятчилигига оид бир қатор ўзгартиришлар сабаб бўлмоқда.

Кўйидаги диаграммадалар ёрдамида 2022-2024 йиллардада давлат бюджети тузилмасини таҳлил қилишимиз мумкин. 1-расм.


**Билвосита солиқларнинг 2022-2023 йил Давлат бюджети даромадлари бажарилиши, 2024 йил прогнози (трлн сўм)<sup>5</sup>**

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси молия ва иқтисодиёт вазирлиги Бюджетнома 2024-2026 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси молия ва иқтисодиёт вазирлиги Бюджетнома 2024-2026 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-6



1-расмда кўриниб турибдикি билвосита солиқлардан қўшилган қиймат солиги бўйича тушумлар анча юқори бўлиб, прогноз кўрсаткичлари 2022 йилга нисбатан 4,7 трлн сўм кам ёки 92,8 фоизга бажарилган. Ҳақиқатда ижроси 60,0 трлн сўм бўлиши кутилган. Фикримизча энергоресурсни қазиб чиқариш, шунингдек қайта ишлаш ҳажми пасайиши ва тарифларни кечиктирилиши таъсир кўрсатган. Шунингдек номақбул об-ҳаво туфайли корхоналарнинг харажатлари ошиб кетиши, жаҳон бозорларида пахта, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши ҳамда солиқ тушумлари йўқотилишига олиб келган. Акциз солиги бўйича тушумлар эса белгиланган прогноз кўрсаткичларига нисбатан 1,5 трлн сўм кам бўлиб 91,7% бажарилган. Ҳақиқатда эса 16,4 трлн сўмни ташкил этади. Бу кўрсаткич 2022 йил даромадларга қараганда 2,9 трлн сўмга ошган бўлиб, 21,8 фоизни ташкил этади. Акциз солиги тушумларни прогнозга кўра камайганлиги об-ҳавонинг жуда совуқ бўлганлиги оқибатида автомобилларга ёқилғи қўйиш шахобчалари маълум вақт ишламаганлиги, шу билан бирга АИ-80 автобензинг акциз солиги “ноль” ставкада бўлганлиги ҳам таъсир кўрсатган деб хисоблаймиз. Таҳлил натижаларидан божхона божларнинг тушумлари мўжалланган прогнозга кўра 2,8 трлн сўмга ошган бўлиб, 142,0 % бажарилган. Ҳақиқатда эса 9,6 трлн сўм бўлиши кутилган. 2022 йил даромадларгарағанда 3,8 трлн сўмга, яъни 66,8 % кўпайганини кўришимиз мумкин.

### 2-жадвал

ҚҚС тўловчилар сони тўғрисида

№	Худуд номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
x	Республика бўйича	8 329	10 807	12 775	85 481	113 566	143 034	145 410
1	ҚҚР	314	563	855	5 468	6 418	7 472	8 696
2	Андижон в	635	819	1 116	5 836	7 770	9 232	10 985
3	Бухоро в	424	545	664	6 444	8 456	10 243	11 362
4	Жizzах в	235	386	402	3 889	5 103	6 088	6 930
5	Қашқадарё в	462	579	685	7 139	10 665	13 711	14 768
6	Навоий в	278	358	429	2 754	3 714	4 927	5 404

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-6

7	Наманган в	376	571	594	4 756	6 383	8 162	9 000
8	Самарқанд в	585	950	1 216	6 752	8 733	10 968	12 152
9	Сурхондарё в	459	611	776	4 445	6 327	7 659	8 603
10	Сирдарё в	164	237	245	3 060	3 951	4 841	5 289
11	Тошкент в	706	855	889	7 043	9 237	12 187	13 579
12	Фарғона в	671	821	936	6 266	8 495	10 488	12 232
13	Хоразм в	408	549	707	4 199	5 134	6 661	7 390
14	Тошкент ш	2 612	2 963	3 261	16 474	22 168	29 347	33 758
15	МРИ	0	0	0	956	1 012	1 048	1 056

2-жадвал таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, республикада жами билвосита солиқ тўловчилар сони 2018 йилга нисбатан 2024 йилда солиқ тўловчилар сони қарийб 4,5 баравар ошган. Билвосита солиқ тўловчиларнинг аксарият қисми қўшилган қиймат солиги тўловчиларини ташкил этиб, 2018 йилдан бошлаб қўшилган қиймат солиги тўловчилари сони кескин ошган. Бундай ўзгаришга сабаб 2017 йил 18 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Солиқ маъмуритчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”<sup>6</sup>ги ПФ-5116 сонли фармони биноан солиқ маъмурчилиги тизимида энг илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш устувор вазифа этиб белгиланганлигидир.

Қўшилган қиймат солиги тўловчи юридик шахслар сони 2023 йилда 164,4 мингтани ташкил этиб сезиларли 11,6 фоизга, жами 183,5 мингта қўпайган. Фикримизча бундай ижобий ўзгаришларининг сабабларидан бири ҚҚС ундириш механизмини рақамлаштириш борасида улкан ишлар олиб борилганлиги, шунингдек ҚҚС бўйича ягона автоматлаштирилган тизими ҚҚС тўловчилари реестри шакллантирилганлигидир. Шунингдек, ҚҚС манфий тафовут сўммалари “my.soliq.uz” портали орқали қопланади. ҚҚС тўловчиларининг 93 фоизи электрон ҳужжат айланиш тизимидан фойдаланиши хам ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Маълумки дунёнинг деярли барча мамлакатлари сингари Ўзбекистон Республикасида хам солиқ тизимида билвосита солиқлар бюджет даромадларини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Ушбу жараённи қўйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (3-жадвал).

### 3-жадвал

**Билвосита солиқлар тушумларининг 2017-2023 йиллар динамикаси таҳлили (млрд. сўм)<sup>7</sup>.**

	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	%

<sup>6</sup> <https://lex.uz/docs/3271159>

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва [www.stat.uz](http://www.stat.uz) сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-6

Кўрсатки члар								2022 нисбата нфарқ	
Республика бўйича жами	3775 0,9	54202, 8	83323, 9	103561, 7	127970, 4	201863, 7	29856 ,9	29856,9	114, 8
шу жумладан:									
солик тушумлари	33 885,8	49 941,8	80 229,5	97 979,1	120 162,5	71390,2	83325 ,8	11935,6	116, 7
ҚҚС	8 634,1	13 734,8	23 660,7	20 485,6	25 572,1	52189,4	57885 ,3	5695,9	110, 9
Акциз солиги	6 138,4	6 547,3	11 603,0	10 838,8	12 778,9	13455,0	15834 ,4	2379,3	117, 7
Божхона божи	1 784,6	1 543,9	2 105,1	2 086,4	4 819,0	5745,7	9606, 1	3860,4	167, 2

З-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2017 йилга нисбатан 2023 йилга билвосита солик тушумлари қарийб 3 бараварга ошган. 2023 йилда билвосита солик тушумлари 83,32 триллион сўмга етиб, шундан қўшилган қиймат солигининг улуши 57,9 триллион сўм, акциз солиги 15,8 триллион сўмни ташкил этади. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан 11935,6 фарқ мавжуд.


Вазирлик таҳлилига кўра, ўтган йили қўшилган қиймат солигидан манфий фарқни қоплаш учун солик тўловчиларга 21,6 триллион сўм микдорида ҚҚС ва кешбэк сўммалари қайтариб берилган. “Энергоресурс қазиб чиқариш, қайта ишлаш ҳажмининг камайиши, дунё бозорида пахта толаси, дон ва кимёвий ўғитлар нархи пасайиши ҳамда йил бошида кузатилган аномал совук шароитида корхоналар харажатининг ошиши ва корхоналар фаолиятининг вақтинча тўхтатилганлиги солик тушумлари йўқотилишига олиб келди. Шу билан бирга, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқариладиган ва тадбиркорлик субъектлари томонидан якуний истеъмолчиларга сотиладиган АИ-80 русўмли автобензин маҳсулоти учун акциз солигининг “нол” ставкаси белгиланиши ҳисобига 2023 йилда тадбиркорлик субъектлари ихтиёрида 1,3 триллион сўм қолдирилди”, — дея ҳолатни изоҳлаган Иқтисодиёт ва молия вазирлиги.<sup>8</sup>

Билвосита соликлар тушумларига таъсир этувчи омилларни куйидаги расмдан кўришимиз мумкин (4-расм):

<sup>8</sup> <https://daryo.uz/k/2024/05/30/ozbekistonliklar-2023-yilda-davlat-byudjetiga-qancha-soliq-tolagani-malum-boldi>

# THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

## VOLUME-4, ISSUE-6



**4-расм. Билвосита соликлар бўйича бюджетга тушумлар даражасига та'sир этувчи омиллар**

Юқоридаги 4-расмдан кўришимиз мумкинки, билвосита солик тушумлариiga бир қатор омиллар, жумладан ма'muriy, iqtisodiy va ijtimoiy омиллар твъсири кўрсатади. Билвосита солик тушумлариiga та'sир этувчи ма'muriy омилларга асосан солик механизмининг қонунчилик базасини шаклланиши, билвосита соликка тортиш механизми ва солик ма'murчилигининг такомиллашганлигига боғлиқдир.

Хозирги шароитда ма'muriy омилларни ўзида мужассамлаштирувчи солик механизми қонунчилик базасини шакллантириш, электрон хисобварак-фактура тизимининг жорий этилиши ҚҚС бўйича солик ма'murчилигини такомиллаштириш бўйича бир қатор ислоҳотлар олиб борилмоқда.

### Таҳлил ва натижалар (Analysis and results)

Умумий хуроса сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги вақтда билвосита соликлар, айниқса ҚҚС кўпгина ривожланган мамлакатлар сингари Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. **Қўшилган қиймат** солиги давлат бюджети даромадларини шакллантиришнинг ишончли ва барқарор базаси бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун электрон хисобварак-фактура механизмини жорий этиш; солик тўловчилари учун замонавий соликка тортиш қойдаларини ишлаб чиқиш муҳим ҳисобланади.

Мавжуд муаммоларни ўрганиб, муаммоларни бартараф этиш учун электрон хисобварак-фактуралардан фойдаланиш, солик тўловчилар ва солик органлари билан алоқаларини қискартириш, бунинг учун электрон хужжат айланишини яратиш ва солик ҳисботини автоматик равишда тузиш имкониятини таъминлаш лозим. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш қулай шарт-шароитларни яратиш ва солик тўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида янги электрон хизматлар ишлаб чиқиш, шунингдек солик бўйича маслаҳатлар олиш ва солик қонунчилигидаги янгиликлар билан танишишириш ва энг янги ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш ва кенгайтиришдан лозим. Ушбу сиёсатнинг муваффакиятли амалга оширилиши солик тўловчиларнинг вақт юқотилишини минималлаштириш ва солик органлари билан ўзаро муносабатларни имкон қадар қулай қилиш хамда солик тизимини янада такомиллаштириш имконини беради.

## THE MULTIDISCIPLINARY JOURNAL OF SCIENCE AND TECHNOLOGY

### VOLUME-4, ISSUE-6

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сон Қонуни билан тасдиқланган.

2. Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси. Ўзбекистон Республикаси 2013 йил 26 декабрдаги ЎРҚ-360-сон Қонуни билан тасдиқланган.

3. Ўзбекистон Республикасининг 2022-йил 30-декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-812-сон Қонуни.

4. Голик Е. Н. Цифровизация администрирования НДС в системе обеспечения экономической безопасности doi: 10.22394/2079-1690-2021-1-2-103-109

5. Карпова О. М. Трансформации налога на добавленную стоимость в условиях форсированной цифровизации российской экономики текст научной статьи по специальности «экономика и бизнес» ЖУРНАЛ Вестник Томского государственного университета. Экономика2019

6.. Что такое цифровизация? URL: <https://www.e-xecutive.ru/management/itforbusiness/1989667-chto-takoe-tsifrovizatsiya?scrolltop=1832> (дата обращения: 25.01.2019

7.<https://www.interfax.ru/world/813644>

8.[https://api.mf.uz/media/document\\_files/budgetnoma\\_2024-2026](https://api.mf.uz/media/document_files/budgetnoma_2024-2026)

9.<https://daryo.uz/k/2024/05/30/ozbekistonliklar-2023-yilda-davlat-byudjetiga-qancha-soliq-tolagani-malum-boldi> [www.stat.uz](http://www.stat.uz).